**Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йилдаги фаолиятига оид**
**ҲИСОБОТ**

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| **Iа. 2023 йил II ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури ҳамда сайловчилар билан учрашувлар вақтида билдирилган таклиф ва вазифалар, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалари** | | | | |
| 1. | **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури** ҳамда **сайловчилар билан учрашувлар** вақтида билдирилган таклиф ва вазифалар, берилган топшириқлар ижроси доирасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш. | II ярим йиллик | Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури ҳамда сайловчилар билан учрашувлар вақтида билдирилган таклиф ва вазифалар, берилган топшириқлар ижроси доирасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан барча топшириқлар назоратга олинган, бажарилиши юзасидан мониторинг ишлари амалга оширилган ҳамда бажарилган ишлар бўйича тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Янги Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисида”**ги Фармони ижроси доирасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш. | II ярим йиллик | Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-300-сон қарори ва у билан тасдиқланган Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига жами 10 та топшириқ белгиланган бўлиб, шундан 5 тасида асосий ижрочи ва 5 тасида |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ҳамижрочи сифатида қайд этилган.<br>“Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2023 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган ҳар бир банд (кичик бандлар) ижросини босқичма-босқич амалга оширишнинг қатъий механизмларини белгилаш, уларни барвақт ва лозим даражада ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган йиғилиш баённомасига мувофиқ, “Йўл харита”, мақсадли кўрсаткичлар ҳамда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати тасдиқланган.<br>Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига юклатилган вазифалар бажарилиши ҳолати бўйича ҳисоботни ва зарур таҳлилий маълумотларни умумлаштириб, белгиланган тартибда Адлия вазирлиги, Тараққиёт стратегияси маркази, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатига тақдим этиб бориш учун тегишли бошқарма ва масъул ходимлар белгиланган.<br>Фармон, қарор ва Давлат дастурида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барвақт ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилган.<br>Шунингдек, ҳар ой якуни буйича Фармон, қарор ва Давлат дастуридаги белгиланган бандлар ижросини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан кенг жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари иштирокида ҳисобот бериб борилган.<br>Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига белгаланган жами 10 та топшириқлар ўз вақтида бажарилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| | | | | Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тараққиёт стратегияси маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатига якуний маълумотлар тақдим этилган. |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги **Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида** белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш. | II ярим йиллик | Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан барча топшириқлар назоратга олиниб, бажарилиши юзасидан мониторинг ишлари амалга оширилган ҳамда бажарилган ишлар бўйича тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”**ги Фармони ижроси доирасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш. | II ярим йиллик | Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони ва у билан тасдиқланган Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига жами 31 та топшириқ белгиланган бўлиб, шундан 24 тасида асосий ижрочи ва қолган 7 тасида ҳамижрочи сифатида қайд этилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурида белгиланган ҳар бир банд ижросини босқичма-босқич амалга оширишнинг қатъий механизмлари ишлаб чиқилиб, уларни барвақт ва лозим даражада ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.<br>Фармон ва Давлат дастурида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барвақт ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳлар тузилди ҳамда вазирликка юклатилган вазифалар бажарилиши ҳолати бўйича ҳисоботни ва зарур таҳлилий маълумотларни умумлаштириб, белгиланган тартибда Адлия вазирлигига тақдим этиб бориш учун масъул ходимлар белгиланган.<br>Шунингдек, ҳар ой якуни буйича Фармон ва Давлат дастуридаги белгиланган бандлар ижросини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан кенг жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари иштирокида ҳисобот бериб борилган.<br>Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига белгаланган жами 31 тадан 30 та топшириқлар ўз вақтида бажарилган.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2023 йил 16 ноябрдаги 107/42-сон баёнига асосан “Ёшлик-I” конини ўзлаштириш” *(I босқич, биринчи навбат)* инвестиция доирасида 3-мис бойитиш фабрикаси биринчи линиясини тўлиқ ишга тушириш 2023 йил сентябрь ойидан 2024 йил декабрь ойида ўтказилиши маъқулланган ҳамда |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | натижада 1 та топшириқ бажарилиши 2024 йилга ўтказилган.<br>Бажарилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тараққиёт стратегияси маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатига якуний маълумотлар тақдим этилган. |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги **“Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-269-сон Фармони ҳамда **“Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-447-сон қарори ижроси доирасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш. | II ярим йиллик | Юридик бўлими, Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон, 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон, 2023 йил 27 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-116-сон Фармонлари нормаларини ҳисобга олган ҳолда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг функция, вазифа ва ваколатларини белгилаб берувчи Низомини тасдиқлаш назарда тутилган Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва мутасадди вазирлик ҳамда идоралар билан келишилган. Қарор лойиҳаси *(ID-78130)* ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритилган. Адлия вазирлигининг ҳуқуқий хулосаси олиниб, қарор лойиҳаси 2023 йил 30 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 6. | 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш. | II ярим йиллик | Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони ва у билан тасдиқланган Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига жами 31 та топширик белгиланган бўлиб, шундан 24 тасида асосий ижрочи ва қолган 7 тасида ҳамижрочи сифатида қайд этилган.<br>Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига белгаланган жами 31 тадан 30 та топшириқлар ўз вақтида бажарилган.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2023 йил 16 ноябрдаги 107/42-сон баёнига асосан “Ёшлик-I” конини ўзлаштириш” *(I босқич, бирнчи навбат)* инвестиция доирасида 3-мис бойитиш фабрикаси биринчи линиясини тўлиқ ишга тушириш 2023 йил сентябрь ойидан 2024 йил декабрь ойида ўтказилиши маъқулланган ҳамда натижада 1 та топширик бажарилиши 2024 йилга ўтказилган.<br>Бажарилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тараққиёт стратегияси маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатига якуний маълумотлар тақдим этилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 7. | **Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан** келиб чиқадиган устувор вазифалар доирасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш. | II ярим йиллик | Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалар доирасидаги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан барча топшириқлар назоратга олиниб, бажарилиши юзасидан мониторинг ишлари амалга оширилган ҳамда бажарилган ишлар бўйича тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 8. | Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган “**Йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларни** сифатли амалга оширилишини таъминлаш. | II ярим йиллик | Стратегик ривожлантириш ва трансформация бошқармаси бошлиғи,<br>Халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб қилиш бўлими | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган “Йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирларни сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:<br>Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга расмий ташрифи доирасида имзоланган инвестициявий битим ва савдо шартномаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган ҳамда “Жингелди” конида барча ишлар амалга оширилиб, маъдан блокларида 18 та технологик ва кузатув кудуқлари бурғиланиб, 2 та технологик ячейка барпо этилди.<br>Бугунги кунда, тажриба-синов ишлари бошланганидан буён тахминан 400 кг уран қазиб олинди ва сорбция жараёнидан |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ўтказилди.<br>Женгелди конида олинган параметрларга мувофиқ "УзгеорангметЛИТИ" лойиҳа институти томонидан захиралар кондицияси бўйича техник-иқтисодий асослари жорий йил август ойида якунланди.<br>Унга кўра, 50 млн долл капитал қуйилмалар ҳисобига йилига 205 минг тонна эритмадан 440 тонна уран ажратиб олиш режалаштирилган. Лойиҳанинг ички даромад нормаси (IRR) – 40,3 фоиз, маблағни қайтариш муддати – 3,7 йил, амалга ошириш муддати – 12 йил. |
| 9. | **Олий Мажлис** палаталари **мурожаатларини кўриб чиқиш,** депутат ва сенатор **сўровномаларига** ўз вақтида **жавоб бериш,** қонун **лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш,** Қонунчилик палатаси ва Сенат **қўмиталарида ҳамда ялпи мажлисида ҳимоя қилишни таъминлаш.** | II ярим йиллик | Юридик бўлими,<br>"Ер қаъридан фойдаланиш маркази" ДМ,<br>Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>"Ер қаъридан фойдаланиш маркази" ДМ билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг "Ер қаъри тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қимматбаҳо металларни ноқонуний қазиб олишнинг олдини олишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган.<br>Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг "Ер қаъри тўғрисида" Қонун лойиҳаси 2023 йил 11 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | “Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган *(2023 йил 25 октябрдаги 16-3273-сон хат)*.<br>“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қимматбаҳо металларни ноқонуний қазиб олишнинг олдини олишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилган *(ID-87834)*.<br>Қонун лойиҳаси 2023 йил 19 декабрь куни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритилган. |
| 10. | Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига мурожаат қилган **фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш.** | II ярим йиллик | Мурожаатлар бўлими | **<u>БАЖАРИЛГАН.</u>**<br>2023 йил январь-декабрь ойлари давомида жами **149 та** мурожаат келиб тушди. Келиб тушган мурожаатлардан **101 таси** <u>ёзма</u>, **46 таси** <u>оғзаки</u> ва **2 таси** <u>электрон</u> шаклда. Ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, уларнинг **39 та**си бўйича тегишли <u>чора кўрилган</u>, **106 та**сига <u>тушунтириш берилган</u>, **1 та**си <u>кўриб чиқилмоқда</u> ва **3 та**си <u>рад этилган</u>.<br>2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари ва Вазирлар Маҳкамаси орқали жами **200 та** мурожаат келиб тушди. Шундан, **29 та**сига <u>тушунтириш берилди</u>, **162 таси** <u>қаноатлантирилди</u>, **1 та** мурожаат <u>тегишлиги бўйича юборилган</u>, **1 та** мурожаат <u>кўриб чиқилиши рад этилди</u>, **2 та** мурожаат |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | кўрмасдан қолдирилган ***(аноним деб топилган)***, **5 та**си кўриб чиқилмоқда. Жами ижрога келиб тушган мурожаатлардан **23 та**синнинг **муддати бузилганлиги аниқланган**. **Кўриб чиқиш муддатининг бузилишининг сабаби мурожаатлар виртуал қабулхона тизимига киритилганда камчиликлар билан ва тегишли қўшимча топшириқлар билан қайтарилганлигидир.** Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига мурожаат қилган фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилиши таъминланган. |
| 11. | Вазирликка бириктирилган корхона, муассаса ва акциядорлик жамиятларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги **“Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ПФ–6166-сон Фармонидан **келиб чиқувчи топшириқлар** ижросини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни сўзсиз ва сифатли бажариш. | II ярим йиллик | Ижро интизоми бўлими | **БАЖАРИЛГАН.** 2023 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида Вазирлик асосий ижрочи этиб белгиланган жами топшириқларнинг сони **281 та**ни ташкил этади. Бугунги кунга қадар **281 та**сининг ижроси таъминланиб, “Ijro.gov.uz” тизимида назоратдан ечилиши таъминланган. |
| 12. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги **“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ПҚ–5132-сон қарорида белгиланган **топшириқлар бажарилишини сўзсиз ва сифатли таъминлаш.** | II ярим йиллик | Ижро интизоми бўлими | **БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сон қарорида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни аниқ амалий натижаларга эришилишини таъминламасдан туриб, юзаки бажарилишига йўл қўймаслик, ўз муддатида сифатли ижросини таъминлаш учун барча даражадаги раҳбарларнинг шахсан масъулияти алоҳида |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | таъкидланган.<br>Назорат ва ижро интизоми бўлими томонидан тармоқда ушбу талабларга риоя этилиши юзасидан доимий мониторинг ҳамда топшириқларни “Ijro.gov.uz” электрон тизимидан назоратдан ечишни ташкил этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриб борилмоқда. |
| 13. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги **“Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-67-сон Фармонида белгиланган топшириқлар бажарилишини сўзсиз ва сифатли таъминлаш. | II ярим йиллик | Вазир ўринбосарлари, Юридик бўлими | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-67-сон Фармонидаги 1-иловаси 80-бандига мувофиқ вазирликда янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича ўз йўналишидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар дастури тасдиқланган ҳамда дастур доирасида тегишли йўналишда ишлар амалга оширилган. Кон-геология вазирлигининг 2023 йил 19 майдаги 44-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Дастур асосида устувор вазифалар доимий равишда бажарилган. |
| 14. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги **“Маъмурий ислоҳотлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-116-сон Фармонида белгиланган топшириқлар бажарилишини сўзсиз ва сифатли таъминлаш. | II ярим йиллик | Жамланма ахборот-таҳлил ва протокол хизмати бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-116-сон Фармонида белгиланган |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | топшириқлар бажарилишини сўзсиз ва сифатли таъминлаш бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан барча топшириқлар назоратга олиниб, бажарилиши юзасидан мониторинг ишлари амалга оширилган бажарилган ишлар бўйича тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| **Іб. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил II ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлари** | | | | |
| 15. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги **“Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-14-сон Фармонига мувофиқ, янги ташкил этилган Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | сентябрь | Вазир ўринбосарлари, Юридик бўлими, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, тизим таркибидаги ташкилотлар раҳбарлари | **БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон, 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон, 2023 йил 27 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-116-сон Фармонлари нормаларини ҳисобга олган ҳолда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг функция, вазифа ва ваколатларини белгилаб берувчи низомини тасдиқлаш назарда тутилган Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва мутасадди вазирлик ҳамда идоралар билан келишилган. Қарор лойиҳаси *(ID-78130)* ҳуқуқий |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| | | | | экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритилган. Адлия вазирлигининг ҳуқуқий хулосаси олиниб, қарор лойиҳаси 2023 йил 30 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 16. | **“Нурота ҳудудидаги “Пистали” конида ташқи электр энергиясининг тармоқ иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий ҳисоб-китобининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | август | Дж.С. Файзуллаев,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>“Навоий КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Нурота ҳудудидаги “Пистали” конида ташқи электр энергиясининг тармоқ иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий ҳисоб-китобининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун 2023 йил 1 август куни 14-2232-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 17. | **“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятида Германия Федератив Республикаси компаниялари иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | сентябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятида Германия Федератив Республикаси компаниялари иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун 2023 йил 14 сентябрь куни 14-2788-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 18. | **“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти томонидан мис маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | сентябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти томонидан мис маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун 2023 йил 22 август куни 14-2491-сон хат орқали |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | ривожлантириш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 19. | **“Республикада ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган лифт ва эскалаторларни давлат стандартларига ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ўрганишни ташкил этиш ҳамда кўп квартирали уй-жой фонди, аҳоли гавжум буладиган объектларда уларнинг ўрнатилишини назоратга олиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | сентябрь | А.А. Кадирходжаев,<br>Кон-геология назорати ва давлат<br>хизматлари бўлими,<br>Тоғ-кон геология ва саноат хавфсилигини<br>назорат қилиш инспекцияси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Республикада ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган лифт ва эскалаторларни давлат стандартларига ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ўрганишни ташкил этиш ҳамда кўп квартирали уй-жой фонди, аҳоли гавжум буладиган объектларда уларнинг ўрнатилишини назоратга олиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2023 йил 13 июль куни 06-2011-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |
| 20. | **“Цезий-137 ва Кобалт-60 гамма-нурланиш изотопли радиометрик ўлчагичларни импорт қилиш учун лицензия олиш тўғрисида”**ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | сентябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан “Цезий-137 ва Кобалт-60 гамма-нурланиш изотопли радиометрик ўлчагичларни импорт қилиш учун лицензия олиш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳаси киритилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 сентябрдаги 556-F/9-сон *(ёпиқ)* фармойиши қабул қилинди. |
| 21. | **“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти эхтиёжлари учун 60 МВтлик фотоэлектр станциясини қуриш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | сентябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти эхтиёжлари учун 60 МВтлик фотоэлектр станциясини қуриш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши лойиҳасини тасдиқлаш учун 2023 йил 7 июль куни 29-1939-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 22. | **“Наманган вилояти Поп туманидаги “Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятига тегишли “Чодак” кон бошқармасига техноген чиқиндиларни жойлаштириш омборини қуриш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | октябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Кон-металлургия саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва инновациялар бошқармаси,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>“Наманган вилояти Поп туманидаги “Олмалиқ КМК” акциядорлик жамиятига тегишли “Чодак” кон бошқармасига техноген чиқиндиларни жойлаштириш омборини қуриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда project.gov.uz сайтига ID-79394-рақам билан жойлаштирилган.<br>Тартибга солиш таъсирини баҳолаш *(ТСТБ)* ҳисоботлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигидан 2023 йил 7 сентябрдаги 02/27-5-1523-сон, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариш вазирлигидан 2023 йил 4 сентябрдаги 02-04/5-4360-сон ҳамда Рақобатни ривожлантириш қўмитасидан 2023 йил 28 августдаги ТСТБ натижаси бўйича хулосалар олинган.<br>***Маълумот учун:*** *Танланган ер майдони Наманган вилояти Поп туманидаги “Мухаммадкарим Мирзаев” фермер хўжалиги “Ер участкаларини ижарага олиш шартномаси”га асосан бириктирилганлиги сабабли, “Олмалиқ КМК” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги ПФ-198-сонли Фармонига мувофиқ “Мухаммадкарим Мирзаев” фермер хўжалиги раҳбари Мухторжон Бойхоновнинг ўз ихтиёри билан воз кечиш тўғрисида нотариал тартибда 2023 йил 26 октябрь куни аризаси олиниб, Наманган вилояти Поп тумани ҳокимлигига тақдим этилди.* |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | *Наманган вилояти Поп тумани ҳокимлигининг 2023 йил 6 декабрдаги “Ер фонди тоифасини ўзгартиришга амалий ёрдам бериш тўғрисидаги 1-44/1980-сонли хатига асосан Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан танланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган (яйлов) ерларнинг ер фонди тоифасини саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўзгартириш тўғрисидаги 2023 йил 21 декабрдаги 01/14-5450-сонли мурожаат хати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича* ***Ҳукумат комиссияси****нинг ишчи органига киритилди.*<br>Ер тоифасини ўзгартириш тўғрисида Ҳукумат комиссиясининг баёни олингандан сўнг қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади. |
| **II. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2023 йил II ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрилаётган чоралари натижадорлиги таҳлили** | | | | |
| 23. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023-2025 йилларда қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги фармойишида белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини таҳлил қилиш. | ҳар ой якуни бўйича | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023-2025 йилларда қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги фармойишида белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилиши таҳлил қилиниб, *(2023 йил 20 декабрдаги 14-277-сон хат орқали қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси бажарилиши ҳамда Мис маҳсулотларини* |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | *ишлаб чиқарилиши)* тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |
| 24. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2023 йилда мис хомашёси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тўғрисида”ги фармойишида белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини таҳлил қилиш. | ҳар чорак якуни бўйича | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, “Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2023 йилда мис хомашёси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тўғрисида”ги фармойишида белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилиши таҳлил қилиниб, *(2023 йил 20 декабрдаги 14-277-сон хат орқали қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси бажарилиши ҳамда Мис маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши)* тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |
| 25. | Кон-металлургия корхоналарида маҳаллийлаштириш дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар тайёрлаш. | июль | Дж.С. Файзуллаев, Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси, “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Навоийуран” ДК | **БАЖАРИЛГАН.** Кон-металлургия корхоналарида маҳаллийлаштириш дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлаш бўйича тармоқ корхоналари томонидан 2023 йилда маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ **356 та** лойиҳа доирасида **1 685 млрд сўмлик** ***(140,4 млн долл)*** импорт ўрнини босувчи маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш белгиланган.<br>Жорий йилнинг январь-июль ойларида маҳаллийлаштириш Дастури доирасида **341 та** лойиҳа бўйича амалда **1 030,9 млрд сўмлик** ***(90 млн долл)*** маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, прогнозга нисбатан *(+33,3 млрд сўм)* **103,3 фоизга** бажарилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Шунга кўра, маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотлар раҳбариятга келишиш учун тақдим этилган. |
| 26. | Кон-металлургия корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ташкилий сарф-харажатларни камайтириш мақсадида **хизматлар ва ишларга аутсорсинг компанияларини жалб қилиш** юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлаш. | август | Дж.С. Файзуллаев,<br>Кон-металлургия саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва инновациялар бошқармаси,<br>Энергетика хомашёсини ривожлантириш бошқармаси,<br>Уран ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлими,<br>Қора металлургия ва технологик металларни ривожлантириш бошқармаси, Қора металлургия бўлими, “Навоий КМК” АЖ,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ,<br>“Ўзметкомбинат” АЖ,<br>“Навоийуран” ДК | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Кон-металлургия корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ташкилий сарф-харажатларни камайтириш мақсадида хизматлар ва ишларга аутсорсинг компанияларини жалб қилиш юзасидан таҳлилий материаллар тайёрланиб, таҳлилий маълумотлар 2023 йил 25 август куни 14-2554-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.<br>***Маълумот учун:*** *“Навоийуран” ДК томонидан бурғилаш ишларига “Инновацион бурғулаш компанияси” ва лаборатория ишларига “Навоий КМК” АЖ “Марказий илмий тадқиқот лабораторияси” жалб қилинган ҳамда таҳлилий маълумотлар жорий йил 19 октябрь куни 02-01-01/02/4334-сон хат билан тақдим этилган.* |
| 27. | **“Ёшлик” мис конини** ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказиб, **60 миллион тонна** рудани қайта ишлаш қувватига эга **3-Мис бойитиш фабрикасининг биринчи линиясини** ишга тушириш. | сентябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛМОҚДА.**<br>“Ёшлик” мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-Мис бойитиш фабрикасининг биринчи линиясини ишга тушириш ҳамда қурилиш жараёни бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар 2023 йил 26 сентябрь куни 14-2904-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2023 йил |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | 16 ноябрдаги 107/42-сон баёнига асосан “Ёшлик-I” конини ўзлаштириш” *(I-босқичи, биринчи навбати)* инвестиция доирасида **3-мис бойитиш фабрикаси** биринчи линиясини тўлиқ ишга тушириш 2023 йил сентябрь ойидан 2024 йил декабрь ойига ўтказилиши маъқулланган. |
| 28. | **Республикада сульфат кислотасини** ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тўғрисида таҳлилий материаллар тайёрлаш. | сентябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Энергетика хомашёсини ривожлантириш бошқармаси,<br>Уран ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлими,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ,<br>“Навоийуран” ДК | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Республикада сульфат кислотасини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тўғрисида таҳлилий материаллар тайёрланиб, 2023 йил 26 сентябрь куни 14-2904-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.<br>Бундан ташқари уран ишлаб чиқаришни янада ривожлатириш бўйича тегишли Президент қарори тайёрлаш давомида сульфат кислотасига бўлган талаб ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, қарорга тегишли ўзгаришлар *(кўрсатмалар)* киритилган. |
| 29. | “Олмалиқ КМК” АЖда мис концентратини қайта ишлашга мўлжалланган янги **мис эритиш заводини қуриш лойиҳаси** бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида таҳлилий материаллар тайёрлаш. | октябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Олмалиқ КМК” АЖ янги металлургия мажмуасининг асосий **4 та** объекти *(Металлургия цехи (эритиш ва конвертерлаш жараёнлари), Сульфат кислотаси цехи, Мисни электролизлаш цехи ва Шлакларни бойитиш фабрикаси)* бўйича “Metso-Outotek” компаниясининг *(Финландия)* ускуналар ва жиҳозларни етказиб бериш бўйича тижорат таклифи олинган. Объектларни лойиҳалаш, ускуналарни етказиб бериш ва шеф-монтаж ишларининг максимал қиймати |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | **1 242,94 млн.евро**га баҳоланди. Металлургия мажмуаси объектлари **4 та** асосий объектлари учун “Metso-Outotek” компанияси томонидан базавий инжиниринг лойиҳа ишларини биринчи босқичи якунланган. |
| 30. | “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан “Қуюв-прокат мажмуасини қуриш” инвестиция лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларини ҳамда келтирилаётган технологик ускуналарни монтаж қилиш ишларининг бажарилишини тармоқ жадвали асосида таҳлил қилиш. | октябрь | О.З. Насритдинходжаев,<br>Қора металлургия ва технологик металларни ривожлантириш бошқармаси,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>“Ўзметкомбинат” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Ўзметкомбинат” АЖ томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳасини олиб бориш ҳолати юзасидан ҳар ойида раҳбариятга ҳисобот тақдим қилиб борилмоқда. Ҳар ойда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнини ўрганиш бўйича тегишли мутахассислар томонидан жойига чиққан ҳолда мониторинг олиб борилмоқда.<br>Жорий йил 25-26 октябрь кунлари тузилган ишчи гуруҳ томонидан қурилиш жараёни, ускуналарни етказиб бериш, металл конструкциялар тайёрлаш ва монтаж ишлари бўйича жадаллаштирилган тармоқ жадвалларини ишлаб чиқишда иштирок этилди.<br>Лойиҳани молиялаштириш, пул оқими, омборда тайёр маҳсулот қолдиқлари, дебет ва кредит қарздорликлар тўғрисидаги маълумотлар жамланиб, таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижалари бўйича маълумотлар раҳбариятга тақдим қилиб борилмоқда.<br>“Ўзметкомбинат” АЖ томонидан амалга оширилаётган “Қуюв-прокат мажмуасини қуриш” инвестиция лойиҳаси белгиланган муддатларда ишга тушириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номига ахборот хати тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди *(2023 йил* |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | *22 ноябрдаги 01-4146-сон хати).*<br>Шу билан бирга тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда лойиҳани белгиланган муддатларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ҳамда тармоқ жадвали ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди *(Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2023 йил 13 декабрдаги 02–22–1–15351-сон хати).*<br>“Қуюв-прокат мажмуасини қуриш” инвестиция лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларини ҳамда келтирилаётган технологик ускуналарни монтаж қилиш ишларининг бажарилишини тармоқ жадвали асосида таҳлил қилиниб, раҳбариятга келишиш учун тақдим этилган. |
| 31. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2024 йилда қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”**ги фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқиш. | ноябрь | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси, “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 октябрдаги ПФ-169-сон Фармонига асосан тегишли вазирликлар билан биргаликда энергия ресурслари, қимматбаҳо ва рангли металлар, бошқа стратегик ресурсларни ишлаб чиқариш, уларнинг истеъмол балансини шакллантириш ва мониторинг қилиш ҳамда ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган.<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 октябрдаги 03/4-23-сон топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024 йилда қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тегишли маълумотлар Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2023 йил 29 ноябрдаги 14 -252 ХДФУ-сон хат билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилган. |
| 32. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **“2024 йилда мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тўғрисида”**ги фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқиш. | ноябрь | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси, “Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 октябрдаги ПФ-169-сон Фармонига асосан тегишли вазирликлар билан биргаликда энергия ресурслари, қимматбаҳо ва рангли металлар, бошқа стратегик ресурсларни ишлаб чиқариш, уларнинг истеъмол балансини шакллантириш ва мониторинг қилиш ҳамда ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган.<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 октябрдаги 03/4-23-сон топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2024 йилда мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тўғрисида”ги фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда 2024-2026 йилларда мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадли кўрсаткичларини шакллантириш учун тегишли маълумотлар Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2023 йил 15 ноябрдаги 14-4062-сон хат билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 33. | “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан **III ва IV-гуруҳига кирувчи пўлат шарларини** ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлаш. | ноябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Қора металлургия ва технологик металларни ривожлантириш бошқармаси,<br>Қора металлургия бўлими,<br>“Ўзметкомбинат” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги “Ўзметкомбинат” АЖ билан биргаликда комбинат томонидан III ва IV-гуруҳига кирувчи пўлат шарларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан таҳлилий материаллар тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди *(“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил 20 октябрдаги 01–1/2857-сон хати).*<br>“Ўзметкомбинат” АЖ томонидан пўлат золдир шарларини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган таклифларга кўра кон-металлургия корхоналарининг талабларидан келиб чиққан ҳолда “IV ва V мустаҳкамлик гуруҳларига кирувчи пўлат золдир шарлар ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.<br>“Ўзбекистон Республикаси 2024-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тегишли қарор лойиҳасига ушбу инвестиция лойиҳасини киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан биргаликда, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 19 октябрдаги “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан металлургия ва қурилиш материаллари соҳасида фаолият юритаётган йирик корхоналарни 2030 йилга қадар пўлат золдир шарлар билан таъминлаш истиқболини белгилаш тўғрисида”ги 22-сон мажлис баёни тасдиқланди *(баён илова қилинади).* |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан III ва IV-гуруҳига кирувчи пўлат шарларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан таҳлилий материаллар тайёрланиб, раҳбариятга келишиш учун киритилди. |
| 34. | Қора металлургия соҳасида **пўлат эритиш печларини бирламчи металлургия хомашёсида ишлашга мослаштириш** юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлаш. | декабрь | Дж.С. Файзуллаев, Қора металлургия ва технологик металларни ривожлантириш бошқармаси, Қора металлургия бўлими, “Ўзметкомбинат” АЖ, қора металлургия корхоналари | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Ўзметкомбинат” АЖ томонидан амалга оширилиши белгиланган пўлат эритиш печларини бирламчи металлургия хомашёсида ишлаш учун мослаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 июлдаги 311-хдфу қарори иловаси билан тасдиқланган “Danieli” компанияси билан лойиҳани амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар режасидан *(“Йўл харитаси”)* “Ўзметкомбинат” АЖ лойиҳасини чиқариб ташлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов рухсати олинди. *(“Ўзметкомбинат” АЖ 26.09.2023 йилдаги 01-1/2606-сон хати ва Бош вазирнинг 27.09.2023 йилдаги 04/118.1-39-хдфу-сон топшириғи.)*<br>“Ўзметкомбинат” АЖдаги электрда пўлат эритиш цехи ДСП-100 электр печи ишлаб чиқариш шароитида бирламчи металл хомашёси-иссиқ ҳолда брикетланган темир (ИБТ) ишлатиш йўлга қўйилган.<br>***Маълумот учун:*** *бундан кўзланган мақсад мамлакатдаги металлолом танқислиги шароитида хомашё балансини таъминлаш ва ишлаб чиқариладиган прокат маҳсулотининг сифатини ошириш.* |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Шунингдек, “Ўзметкомбинат” АЖ ва “Shandong Province Metallurgical Engineering Co., Ltd.” (Хитой) компанияси билан биргаликда комбинатда “Hismelt” технологияси асосида чўян ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси ўрганиб чиқилмоқда.<br>Ушбу технология чўян ишлаб чиқариш учун ҳар қандай турдаги темир хомашёси (темир концентрати) ва оддий кўмирдан фойдаланиш имконини беради.<br>Лойиҳанинг қуввати – 800,0 минг тн чўян.<br>Лойиҳанинг афзалликлари:<br>- темир-терсак парчаларига бўлган талабни камайтириш;<br>- сифатсиз кўмирларни ишлатиш;<br>- хомашёнинг кенг танлови мавжудлиги;<br>- қурилиш ва маҳсулот таннархининг арзонлиги;<br>- экологик тозалик.<br>*(“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил 20 декабрдаги 01-1/3547-сон хати).*<br>Қора металлургия соҳасида пўлат эритиш печларини бирламчи металлургия хомашёсида ишлашга мослаштириш юзасидан таҳлилий материаллар тайёрланиб, раҳбариятга келишиш учун киритилди. |
| 35. | “Навоий КМК” АЖда **“Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш”** лойиҳасини фойдаланишга топширишни таъминлаш. | декабрь | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, “Навоий КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Навоий КМК” АЖда **“Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш”** лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги “Навоий КМК” ДКда 2026 йилгача қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришни ошириш чоралари Дастури тўғрисида”ги ПҚ–2806-сонли қарорига |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | мувофиқ амалга оширилди.<br>Лойиҳанинг техник иқтисодий асоси *(ТЭО)* Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 июндаги 384-сонли қарори билан тасдиқланган, ишчи лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилган.<br>Лойиҳанинг қуввати йилига 2,0 млн тонна руда қазиб олиш, кондаги руда захиралари 2052 йилгача таъминланган.<br>Объектнинг қурилиш муддати 2021-2023 йй., умумий қиймати **132,4 млн доллар**ни ташкил этди ва **900 та** янги иш ўринлари яратилди.<br>“Навоий КМК” АЖда “Турбай” конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, объект фойдаланишга топширилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Адлия вазирлигига амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот киритилди. |
| 36. | Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатларида барпо этиладиган **йирик куёш фотоэлектр станция лойиҳаларига инвесторларни жалб қилиш** ва лойиҳаларни қурилишини жадаллаштириш тўғрисида. | октябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>Қора металлургия ва технологик металларни ривожлантириш бошқармаси,<br>Қора металлургия бўлими,<br>“Навоий КМК” АЖ,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ, | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 майдаги ПҚ-144-сон "Республика худудларида умумий қуввати 2000 МВтгача бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори ижроси доирасида ФЭС қурилишини амалга ошириш учун "TEPPELEN GROUP HOLDING LIMITED" *(БАА)* компанияси томонидан "Navoi Solar Power Energy" МЧЖ шаклидаги лойиҳа компанияси ташкил этилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | “Ўзметкомбинат” АЖ,<br>қора металлургия корхоналари | Ушбу қарорга асосан режалаштирилган 500 МВт қувватли ФЭС қурилишининг биринчи босқичида 220 МВт қувватининг қурилиш-монтаж ишлари 623 гектар ерда амалга оширилади.<br>"Navoi Solar Power Energy" МЧЖ компанияси "Enter Egineering" МЧЖ пудратчи ташкилот иштирокида ФЭС қурилиши босқичма-босқич ташкил этилган. Бугунги кунда қурилиш майдонида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:<br>- қурилиш майдончасига олиб келувчи йуллар ишлари якунланган;<br>- 623 гектар ер участкасида муҳандислик-тадқиқот ишлари якунланган;<br>- қуёш майдонини кузатиш тизими учун қозиқлар "Antai Solar" ишлаб чиқарувчи корхонаси дастурига мувофиқ синовдан ўтказилмома;<br>- 6 кВ кучланишли электр узатиш линияси қурилмоқда;<br>- "Navoi Solar Power Energy" МЧЖ компанияси "Навоий КМК" АЖга электр энергия етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган.<br>***Маълумот учун:*** *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олмалиқ КМК” АЖ эҳтиёжлари учун умумий қуввати 60 МВт бўлган қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш, бунинг учун ер майдони ажратиш ва ишлаб чиқарилган электр энергиясини комбинатга етказиб бериш чоралари тўғрисида”ги фармойиш лойиҳаси 2023 йил 7 июль куни 29-1939-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.* |
| 37. | Республика истеъмолчиларини **табиий газ ресурслари билан таъминлашда** нефть-газ тармоғи корхоналари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида. | ноябрь | О.З. Насритдинходжаев,<br>Энергетика хомашёсини ривожлантириш бошқармаси | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Республика истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашда қуйидаги ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилда жами **5,8 млн тонна** кўмир |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | қазиб чиқарилиши режалаштирилиб, ушбу кўрсаткич жорий йил якунига қадар етказиб берилиши таъминланади.<br>Истеъмолчиларга бугунга қадар жами **5,5 млн тонна** *(режага нисбатан* ***94,8%****)*, шундан:<br>- иссиқлик электр станцияларига “Ўзбеккўмир” ва “Шарғункўмир” жамиятлари томонидан **3,6 млн тонна** ***(101,5%)*** маҳаллий кўмир етказиб берилди.<br>- бюджет ташкилотларига **566,9 минг тонна** ҳамда аҳоли эҳтиёжлари учун **998,6 минг тонна** маҳаллий кўмир етказиб берилди. |
| 38. | **Мис саноати кластерини ривожлантириш** борасида олиб борилаётган ишлар натижадорилиги тўғрисида. | август | Дж.С. Файзуллаев,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>“Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Мис саноати кластерини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижадорилиги бўйича таҳлилий маълумотлар 2023 йил 25 августдаги 14-2554-сон хат орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган. |
| 39. | Вазирлик ва идоралар тизимидаги **транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмалари ҳамда табиий объектларнинг номларини** Кадастр агентлигининг Географик объектлар номлари давлат реестрига киритиш ҳолатини ўрганиш ҳамда унинг натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш. | октябрь | О.З. Насритдинходжаев,<br>З.К. Ахмедова,<br>Энергетика хомашёсини ривожлантириш бошқармаси,<br>Минерал хомашё базасини ривожлантириш бошқармаси,<br>Геология-қидирув ишларини техник мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими,<br>Кон-металлургия саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмалари ҳамда табиий объектларнинг номларини Кадастр агентлигининг Географик объектлар номлари давлат реестрига киритиш ҳолатини ўрганиш ҳамда унинг натижалари бўйича таҳлилий материаллар Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан 2023 йил 25 октябрдаги 02-3275-сон хат билан *(Геологик объектлар номлари рўйхатини хатловдан ўтказиш учун)* Кадастр агентлигига юборилди. |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | ошириш ва инновациялар бошқармаси, Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси, Кон-геология назорати ва давлат хизматлари бўлими, Фойдали қазилма захиралари бўлими, Нефть ва газ геологияси бўлими | |
| 40. | **“Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ишчи гуруҳлари ялпи йиғилишларида ҳимоясини таъминлаш. | август-сентябрь | А.А. Кадирходжаев, Гидрогеология, муҳандислик геологияси ва геоэкология бўлими | **БАЖАРИЛГАН.** “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тайёрланган бўлиб, Кон-геология вазирлиги томонидан project,gov.uz ахборот портали орқали ўрнатилган тартибда келишиб юборилди. |
| 41. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-91-сон қарорига мувофиқ **2023 йилда Тошкент шаҳри электр таъминотини яхшилашга қаратилган 35-110 кВ кучланишли электр тармоқларини ривожлантириш.** | ноябрь | Дж.С. Файзуллаев, Энергетика хомашёсини ривожлантириш бошқармаси, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси, Геология-қидирув ишларини техник | **БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-91-сон қарорига мувофиқ 2023 йилда Тошкент шаҳри электр таъминотини яхшилашга қаратилган **35-110 кВ** кучланишли электр тармоқларини ривожлантириш учун тизим ташкилотлари томонидан зарур ҳажмдаги материаллар ва бутловчилар етказиб берилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими, “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ | |
| 42. | “Навоий КМК” АЖда **“Балпантоғ”** ва **“Томдибулоқ” конларини ўзлаштириш** лойиҳасини фойдаланишга топширишни таъминлаш. | декабрь | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, “Навоий КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Навоий КМК” АЖда **“Балпантоғ”** ва **“Томдибулоқ” конларини ўзлаштириш** лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги “Навоий КМК” ДКда 2026 йилгача қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришни ошириш чоралари Дастури тўғрисида”ги ПҚ–2806-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилди.<br>Лойиҳанинг техник иқтисодий асоси *(ТЭО)* Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августда 531-сонли қарори билан тасдиқланган, ишчи лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг қуввати йилига 3 млн тонна руда қазиб олиш, кондаги руда заҳиралари 2049 йилгача таъминланган.<br>Инвестициялар ҳажми 108,3 млн долларни ташкил қилиб, 653 та янги иш ўринлар яратилган.<br>“Навоий КМК” АЖда “Балпантоғ” ва “Томдибулоқ” конларини ўзлаштириш” инвестиция лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, объект фойдаланишга топширилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Адлия вазирлигига амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот киритилди. |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 43. | “Навоий КМК” АЖда **6-гидрометаллургия заводи**ни тўлиқ қувватда ишга туширишни таъминлаш. | декабрь | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, “Навоий КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Навоий КМК” АЖда 6-гидрометаллургия заводини тўлиқ қувватда ишга туширишни таъминлаш буйича тегишли ахборот хати ҳамда асословчи ҳужжатлар, жумладан қабул қилиш далолатномалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигига белгиланган тартибда киритилди *(2023 йил 16 июндаги 14-1701-сон хат)*.<br>***Маълумот учун:*** *“Пистали” конида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш лойиҳасини* ***I-босқичи 2023 йилнинг июнь ойида ишга туширилди, II-босқичи эса жорий йил сентябрь ойида ишга туширилди.*** *Жорий йил охирига қадар* ***1,3 млн тонна маъдан****ни қазиб олиш ва қайта ишлаш эвазига* ***1 420 кг олтин*** *ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳа тўлиқ кувватда муддатидан 1 йил 3 ой олдин ишга туширилмоқда ва йилига* ***4 млн т маъдан*** *қазиб олиниб, қайта ишлаш эвазига* ***4,8 т олтин*** *ишлаб чиқаришга эришилади. Бунинг эвазига* ***296 млн доллар****лик ёки* ***3,4 трлн сўм****лик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Республика бюжетига йилига* ***340 млрд сўм****лик тушим таъминланади.* |
| 44. | Фойдали қазилмалар конларининг геология-қидирув ишларини олиб бориш ва уларни ўзлаштиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижадорлигини таҳлил қилиш. | доимий | А.А. Кадирходжаев, Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Фойдали қазилмалар конларининг геология-қидирув ишларини олиб бориш ва уларни ўзлаштиришга Инвестиция дастурига киритилган ва қўшимча 15 та лойиҳалар доирасида жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 175 млн долл тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.<br>Инвестициялар ўзлаштирилиши режага нисбатан 100 фоизга бажарилди. |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 45. | Ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлигини таҳлил қилиш. | доимий | Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, тизим таркибидаги ташкилотлар раҳбарлари | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг 2023 йил натижадорлиги таҳлил қилинган.<br>Жумладан, “Ўзбеккўмир” АЖда электр энергиясини тежаш бўйчи жорий йил январь-декабрь ойларида **5 та** чора-тадбир бажарилиб, **5,6 млн кВт соат** *(режага нисбатан **100,3%**)* электр энергияси тежалди. Бундан ташқари, **4 та** қуввати **30 кВт** ва **1 та** қуввати **10 кВт** бўлган қуёш панеллари ўрнатилиб, жорий йил якуни билан **128,0 минг кВт** электр энергияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, кон самосвалларининг ишини самарадорлигини ошириш ҳисобига **519,1 т** ***(103,6%)*** дизел ёқилғиси тежалди. |
| **III. Қонун ижодкорлиги фаолияти** | | | | |
| 46. | **“Ер ости бойликлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ишчи гуруҳлари ялпи йиғилишларида ҳимоясини таъминлаш. | август-сентябрь | А.А. Кадирходжаев, Юридик бўлими, “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Тоғ-кон ва нефтегаз соҳаси инвесторлари учун рақобатли ва жозибадор шарт-шароитлар яратиш мақсадида Европа тараққиёт ва тикланиш банки *(ЕТТБ)* экспертлар гуруҳи кўмагида “Ер қаъри тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қайта ишлаб чиқилган.<br>Бунда, жаҳоннинг тоғ-кон саноати ва геология соҳасига ихтисослашган мамлакатларнинг (*Австралия, Канада, Россия, Туркия, ЖАР, Индонезия, Озарбайжон, Қозоғистон)* инвесторлар учун қулай ҳамда давлат учун манфаатли бўлган шарт-шароитлар яратиш тажрибаси |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | ўрганилган.<br>Натижада **19 та** боб ва **173 та** моддадан *(олдинги таҳрир **16 та** боб, **137 та** модда)* иборат янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун киритилган.<br>Қонун лойиҳасини Олий Мажлисга киритиш Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киради. |
| 47. | **“Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”** қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этиш, ишчи гуруҳлари, фракциялар ҳамда ялпи йиғилишда ҳимоясини таъминлаш. | август-сентябрь | А.А. Кадирходжаев,<br>Юридик бўлими,<br>Кон-геология назорати ва давлат хизматлари бўлими,<br>“Ер каъридан фойдаланиш маркази” ДМ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>“Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2022 йил апрель ойида ишлаб чиқилган янги тахрирдаги “Ер кодекси” лойиҳаси *(ID 59607)* Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги *(ID 58921)* Қонун лойиҳаси тегишлигича кўриб чиқилган ва 2022 йил 6 ва 19 апрель кунлари келишилган. |
| **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини мақсадли ўрганиш** | | | | |
| 48. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг 2023 йил III ва IV чорак якунлари бўйича ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда натижаси билан | сентябрь, декабрь | О.З. Насритдинходжаев,<br>Жамланма ахборот-таҳлил ва халқаро тажрибани ўрганиш бошқармаси,<br>тизим таркибидаги ташкилотлар раҳбарлари | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февралдаги |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиш. | | | ПФ-27-сон Фармони ва у билан тасдиқланган Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига жами 31 та топшириқ белгиланган бўлиб, шундан 24 тасида асосий ижрочи ва қолган 7 тасида ҳамижрочи сифатида қайд этилган.<br>Давлат дастурида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига белгаланган жами 31 тадан 30 та топшириқлар ўз вақтида бажарилган.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2023 йил 16 ноябрдаги 107/42-сон баёнига асосан “Ёшлик-I” конини ўзлаштириш” *(I босқич, бирнчи навбат)* инвестиция доирасида 3-мис бойитиш фабрикаси биринчи линиясини тўлиқ ишга тушириш 2023 йил сентябрь ойидан 2024 йил декабрь ойида ўтказилиши маъқулланган ҳамда натижада 1 та топширик бажарилиши 2024 йилга ўтказилган.<br>Бажарилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тараққиёт стратегияси маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатига якуний маълумотлар тақдим этилган. |
| 49. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижроси ҳолатини “Ijro.gov.uz” тизимида 2023 йил I ва II чорак якунлари бўйича ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда натижаси билан Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиш. | ҳар ойнинг 5-санасида | Вазир котибияти, Ижро интизоми бўлими, тизим таркибидаги ташкилотлар раҳбарлари | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижроси ҳолатини “Ijro.gov.uz” тизимида 2023 йил I ва II-чорак якунлари бўйича вазирликка жами **78 та** топширик белгиланган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли чоралар |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| | | | | қурилган ҳамда барча топшириқлар бажарилиб, назоратдан ечилган. Назоратдаги топшириқлар ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот мунтазам равишда ахборот тақдим этиб борилмоқда. |
| 50. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги **“2023 йилда қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”**ги Ф-6-сон фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 апрелдаги **“Мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тўғрисида”**ги 191-Ф-сон фармойишида белгиланган **қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг 9 ойлик якунларини таҳлилий ўрганиш**. | октябрь | Дж.С. Файзуллаев,<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси,<br>Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси,<br>“Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Қимматбаҳо ва рангли металлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг 2023 йил 9 ойлик якунлари таҳлилий ўрганилиб, 2023 йил 18 октябрь куни 14-226-сон хат орқали қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш ва топшириш бўйича давлат буюртмаси бажарилиши ҳамда 14-3207-сон хат орқали Мис маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши бўйича таҳлилий маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |
| 51. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 декабрдаги “**Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-439-сон қарори ижроси бўйича **амалга оширилаётган ишларни мақсадли ўрганиш**. | октябрь | А.А. Кадирходжаев,<br>Минерал хомашё базасини ривожлантириш бошқармаси,<br>Гидрогеология, муҳандислик геологияси ва геоэкология бўлими,<br>“Ўзбекгидрогеология” ДУК | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 декабрдаги ПҚ-439-сон қарори ижроси юзасидан бугунги кунда қуйидаги ишлар амалга оширилди:<br>- мораторий жорий этилган ҳудудларда гидрогеологик хулоса, сувга қудуқ бурғилаш ва сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатномаларни махсус тартибда берилиши йўлга қўйилди;<br>- “Ўзбекгидрогеология” ДМ таркибида Давлат геология мониторинг хизмати ташкил этилди ҳамда Ситуацион марказ фаолияти йўлга қўйилиб, замонавий ускуналар ва автотранспорт воситалари билан жиҳозланди;<br>- қарорга мувофиқ Қонун ва Ҳукумат қарори лойиҳалари тайёрланиб, Вазирлар |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Маҳкамасига киритилди *(2023 йил 25 октябрдаги 16-3273-сон хат)*;<br>- ер ости сувлари сатҳи пасайган ҳудудлардаги кудуқлар хатловдан ўтказилди;<br>- ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мавзусида **4 та** телекўрсатув, **5 та** радиоэшиттириш, **2 та** брифинг ҳамда жойларда учрашувлар ташкиллаштирилди. |
| 52. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги “2022–2030 йилларда “Навоийуран” давлат корхонасида уранни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда уни трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-319-сон қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни **мақсадли ўрганиш**. | ноябрь | О.З. Насритдинходжаев, Дж.С. Файзуллаев, Энергетика хомашёсини ривожлантириш бошқармаси, Уран ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлими, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, “Навоийуран” ДК | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги “2022–2030 йилларда “Навоийуран” давлат корхонасида уранни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда уни трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-319-сон қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар доимий равишда назоратга олинган бўлиб, мазкур қарор билан белгиланган жорий йилдаги **28 та** топшириқлар ўз вақтида бажарилган ва амалга оширилган ишлар натижалари бўйича маълумотлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилинган.<br>Хусусан, қарорнинг 1-иловаси билан ишлаб чиқариш кўрсаткичлари **110 фоиз**га ва 2-илова билан белгиланган *(режа 5 500 тонна)* захираларнинг ўстирилиши кўрсаткичи амалда **6 030 тонна**ни режага нисбатан эса **110 фоиз**га бажарилган. |
| 53. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги “Мис ва ноёб металлар хомашёсини қайта ишлашнинг технологик занжирларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–295-сон қарори ижросини ўрганиш. | ноябрь | Дж.С. Файзуллаев, Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги “Мис ва ноёб металлар хомашёсини қайта ишлашнинг технологик занжирларини кенгайтириш чора-тадбирлари |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | бошқармаси, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Навоий КМК” АЖ | тўғрисида”ги ПҚ–295-сон қарор ижроси бўйича “Олмалиқ КМК” АЖ томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилган:<br>- 6в-банди ижроси бўйича *(ишлаб чиқарилган мис катодини, истисно тариқасида, Лондон металл биржаси (LME) нархидан **2 фоиз** миқдоридаги чегирма билан узоқ **(3 йилдан 10 йилгача)** муддатли тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиш)* Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига 2022 йил 07 июлдаги КИ-5050-сон хат билан маълумот тақдим этилган;<br>- 8-банд *(Й.Х. 17-банди)* ижроси бўйича *(Навоий шаҳрида “Илғор тоғ-кон технологиялари маркази” фаолиятини ташкил этиш)* Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига 2022 йил 27 июлдаги АА-005649-сон, 2022 йил 8 сентябрдаги 23.01-01-07/580-сон, 2022 йил 12 сентябрдаги АХ-01-0000600-сон хатлари билан маълумотлар тақдим этилди;<br>- 13 банд *(Й.Х. 13-банди)* ижроси бўйича *(Республикадаги профессионал ва олий таълим муассасалари билан электротехника, электроника, кон-металлургия ва унга боғлиқ соҳаларда фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича дуал таълимни жорий этиш)* Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2022 йил 20 сентябрдаги СШ-007008-сон хат билан маълумот тақдим этилган; |

| Т/р | Устувор вазифалар.<br>Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | - Й.Х. 16-банди ижроси бўйича *(Технопарк иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш)* Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига 2022 йил 18 июлдаги АА-005357-сон хат билан маълумот тақдим этилган;<br>- Й.Х. 18 банди ижроси бўйича *(“Мис саноати халқаро конференциясини” ташкил этиш)* Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига 2022 йил 1 июндаги АА-004005-сон хат билан маълумот тақдим этилган.<br>- Й.Х. 12 банди ижроси бўйича (“Ohangaron Tech Industrial” технопарки бошқарув дирекцияси давлат унитар корхонасининг маъмурий биносини қуриш ва моддий-техника базасини шакллантириш) Технопарк маъмурий биносини лойиҳа олди ва лойиҳалаштириш, қурилиш ишларига ҳамда моддий техника базасини шакллантириш мақсадида ОКМК томонидан **4,6 млрд. сўм** молиявий ёрдам кўрсатилди.<br>Хозирги кунда, Технопарк томонидан асословчи хужжатлар тақдим этилгандан сўнг, қўшимча тарзда **1,3 млрд. сўм** ҳомийлик маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам кўрсатилиши кутилмоқда (“Ohangaron Tech Industrial” технопаркининг 27 ноябрдаги 218-сонли ҳати асосида).<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги ПҚ–295-сон қарори ижросини ўрганиш ишлари якунига етказилиб, раҳбариятга келишиш учун киритилган. |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| 54. | 2023 йилги минерал хомашё базасини ривожлантириш давлат дастури доирасида фойдали қазилмаларнинг захира ва ресурсларини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни **мақсадли ўрганиш.**<br>Бунда, йил якуни бўйича олтин захирасини 136 т, ресурсини 205 т, кумуш захирасини 175 т, ресурсини 210 т, мис захирасини 255 т, ресурсини 200 т, қўрғошин захирасини 42 т, ресурсини 56 т, рух захирасини 48 т, ресурсини 55 т миқдорида кўпайтириш чораларини кўриш. | декабрь | А.А Кадирходжаев, Минерал хомашё базасини ривожлантириш бошқармаси, Геология дастурини шакллантириш ва мониторинги бўлими, "Ўзбек геология қидирув" АЖ, "Регионалгеология" ДУК, "Ўзбекгидрогеология" ДУК, "Ўзбекгеофизика" АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>2023 йилги минерал хомашё базасини ривожлантириш давлат дастури доирасида фойдали қазилмаларнинг захира ва ресурсларини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни мақсадли ўрганиш юзасидан геология-қидирув ишлари олиб борилиши натижасида бугунги кун ҳолатига кўра, **140,2 т** олтин, **248 т** кумуш, **259,3 минг т** мис, **42,28 минг т** қўрғошин, **60,61 минг т** рух ва **10,02 минг т** вольфрам **захиралари** ҳамда **205 т** олтин, **210 т** кумуш, **203,1 минг т** мис, **56,5 минг т** қўрғошин, **60,6 минг т** рух ва **8,04 минг т** вольфрам **башоратли ресурслари ўстирилди**. |
| 55. | "Олмалиқ КМК" АЖда **4-сон мис бойитиш фабрикаси**, унга тегишли ишлаб чиқариш ва ташқи инфратузилма объектларини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишларни **мақсадли ўрганиш.** | декабрь | Дж.С. Файзуллаев, Қимматбаҳо ва рангли металлар соҳасини ривожлантириш бошқармаси, Йирик ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси, "Олмалиқ КМК" АЖ | **БАЖАРИЛГАН.**<br>"Олмалиқ КМК" АЖда 4-сон мис бойитиш фабрикаси, унга тегишли ишлаб чиқариш ва ташқи инфратузилма объектларини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишларни мақсадли ўрганиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.<br>***Маълумот учун:*** *"Олмалиқ КМК" АЖда 4-сон мис бойитиш фабрикаси қуриш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. (2023 йил 30 июндаги ёпиқ қарор)*<br>"Олмалиқ КМК" АЖ томонидан лойиҳа доирасида 4-сон мис бойитиш фабрикаси *(кейинги ўринларда-4-МБФ)* ва унинг инфратузилма объектларини қуриш бўйича илмий-тадқиқот ва лойиҳаолди ишлари бошланган.<br>Шунингдек, "Олмалиқ КМК" АЖ ягона акциядорининг *(Иқтисодиёт ва молия вазирлиги)* 2023 йил 15 ноябрда "тайёр ҳолда топшириш" шартлари асосида 4-МБФни қуриш бўйича EPC- |

| Т/р | Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар | Бажариш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | шартномани тузиш юзасидан 1-сон ижобий қарори олинди ва “Олмалиқ КМК” АЖ билан “Enter Engineering” компанияси ўртасида 4-МБФни “фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида қуриш юзасидан 2023 йил 16 ноябрида45-Ё/М4-003-сон EPC-шартномаси имзоланди.<br>“Олмалиқ КМК” АЖда 4-сон МБФ, унга тегишли ишлаб чиқариш ва ташқи инфратузилма объектларини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумот тайёрланиб, 2023 йил 22 декабрдаги 19-4670-сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. |
| **V. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида амалга оширилаётган ўзгаришларни оммага кенг ёритиш** | | | | |
| 56. | Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини ва “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини кенг ёритиш юзасидан кон-металлургия ва геология соҳаларига оид янгилик ва маълумотларни оммага кенг тарғиб қилиш бўйича тасдиқланган медиа-режага асосан тарғибот ишлари доирасида оммавий ахборот воситалари орқали **6 та** матбуот анжумани, **4 та** пресс-тур, **2 та** брифинг ўтказилишини таъминлаш.<br>Шунингдек, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги расмий веб-сайтини такомиллаштириб янгилаб бориш ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар, ОАВ ва бошқа ахборот ресурслари орқали мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш. | июль-декабрь | Ахборот хизмати ва рейтинг бўлими, Тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари | **БАЖАРИЛГАН.**<br>Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини ва “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини кенг ёритиш юзасидан бугунги кунга қадар кон-металлургия ва геология соҳаларига оид янгилик ва маълумотларни оммага кенг тарғиб қилиш бўйича тасдиқланган медиа-режага асосан тарғибот ишлари доирасида оммавий ахборот воситалари орқали **7 та** матбуот анжумани, **6 та** пресс-тур, **7 та** брифинг **ўтказилди**.<br>Шунингдек, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги расмий веб-сайтини такомиллаштириб, янгилаб бориш ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар, ОАВ ва бошқа ахборот ресурслари орқали мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб борилмоқда. |